

O'zbekiston Respublikasi, 110100 Olmaliq sh., Tashkent vil.
Hisob r. 20210000100130836001, O'zSQB ning Olmaliq filiali
INN 200599579, MFO 01034
Tel: (+99871) 150-41-41
Faks: (+99870) 613-31-32; (+99871) 150-58-14
E-Mail: info@ammofos-maxam.uz
www.ammofos-maxam.uz



The Republic of Uzbekistan, 110100, Tashkent region, Almalyk city
Bank account 20210000100130836001, UzPSB, Almalyk branch
TID 200599579, MFO 01034
Tel: (+99871) 150-41-41
Faks: (+99870) 613-31-32; (+99871) 150-58-14
E-Mail: info@ammofos-maxam.uz
www.ammofos-maxam.uz

12.04.2022 № 1/23-806

Sizing/Your № _____

Ўзбекистон Республикаси Монополияга
қарши курашиш қўмитасига

Монополияга қарши курашиш қўмитаси
Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасига

«Ўзбекистон Республикаси товар хомашё
биржаси» АЖга

Ўзингизга маълумки «Аmmofoс-Maxam» АЖ томонидан тасдиқланган режа асосида жорий йил апрел ойининг бошидан ҳар куни мунтазам равишда аммофос минерал ўғити биржа савдоларига қўйиб келинмоқда.

Фосфорли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш учун асосий хомашё бўлган фосфорит хомашёси шартнома асосида Қозоғистон Республикасидан 2022-йил I-чорагида 14 478 тонна ва апрел ойида 8 469 тонна миқдоридagi хомашё импорт қилиниши режалаштирилган. Бироқ, ушбу I-чорак учун 14 478 тонна режа асосида амалда 12 019 тонна ёки режага нисбатан 2 459 тоннага кам таъминланган. Қолаверса, 2022-йил 7-апрелдаги хомашё етказиб берувчи Қозоғистонлик таъминотчи вакиллар билан ўтказилган музокаралар натижасида апрел ойи учун ажратилган миқдорлар ҳам етказиб берилмаслиги аниқланди. Янги конларни ўзлаштириш ва қазиб чиқариш ишлари жорий йил май ойларидан бошланиб, фосфорит хомашёсининг таъминоти тахминан июл ойининг 2-ўн кунлигида кутилмоқда. Фосфорит хомашёси таъминоти ўз вақтида таъминланмаслиги натижасида фосфорли минерал ўғитлар режага нисбатан кам миқдорда ишлаб чиқарилиб, кунлик ишлаб чиқарилаётган миқдор 500-550 тоннани ташкил этади.

Ундан ташқари хозирги кунда жамият технологик омборидаги минерал ўғитлар қолдиғи биржа савдолари орқали сотилган бўлиб, амалга оширилган тўловлар асосида харидорларга етказиб берилмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, асосий хомашёнинг таъминотида узилишлар сабабли ҳамда жамиятнинг маҳсулот ишлаб чиқариш қувватларидан келиб чиққан ҳолда жорий йил апрел ойидаги 21 012 тонна аммофос минерал ўғитининг биржа савдоларига қўйиш жадвали қайтадан ишлаб чиқилиб, 13 апрел кунидан бошлаб кунига 544 тонна, ой охиригача эса жами 15 232 тонна аммофос савдога қўйиш жадвалини ўзгартирилган таҳрирда юбормоқдамиз.

Ўзгартирилган таҳрирдаги савдога қўйиш жадвали илова қилинади.

Хурмат билан,
Бошқарув раиси

Турсунов А.Т.

